# ОДАМЛАР ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАШ — ОЛИЙ БУРЧ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Умуман, Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида бугун вужудга келган вазият ҳақида, мавжуд камчилик-нуқсонлар ҳақида гапирганда, авваламбор, уларнинг илдизлари, сабабларини қидириш керак, деб ўйлайман.

Бу ҳолнинг илдиз ва сабаблари эса, биринчи навбатда, ислоҳотларнинг тўғри йўлга қўйилмагани ва ниҳоятда суст бораётгани, деҳқон зотига эътибор кам бўлгани, унда мулкка эгалик туйғусини тарбиялаш ва зарур шароит туғдириб бериш масалаларида йўл қўйилаётган камчиликлар, масъул раҳбарларнинг онгу тафаккури ўзгармаётгани, уларда эскича қараш, эскича фикрлаш ҳамон ҳукмрон бўлиб қолаётганидадир.

2000 йилда вилоятда 90 минг гектар ўрнига 93 минг гектар майдонга пахта экилган бўлса-да, давлатга пахта сотиш режаси атиги 68 фоизга бажарилди, холос.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш режаларининг сурункали бажарилмай келаётганига яна бир сабаб шуки, айрим амалдорлар ерни талон-тарож қилмоқда, ҳатто пахта ва ғалла етиштириш учун ажратилган моддий ресурсларни ўз манфаатлари йўлида ишлатмоқда.

Нима, Самарқанд вилоятида баъзи мансабдорлар ўзининг шахсий томорқаси билан давлат ерининг фарқини эсидан чиқарганми, бундай бемаза ишлар учун жазо муқаррар эканини унутиб қўйганми?

Гўзалкент, Пайариқ ва Иштихон туманларининг мансабдор шахслари қарийб 8 минг гектар майдондаги экинларни ҳисоботдан яширгани, пахта учун белгиланган 335 гектар майдонга шоли экилгани, ўтган йили сув камчил бўлишига қарамасдан, вилоятда 1600 гектар шоли режасиз экилиб, ҳисоботдан яшириб қолинганига қандай тоқат қилиш мумкин?

Бундай ғайриқонуний ҳолатлар учун ким жавоб беради? Вилоят ва туман ҳокимлари, мутасадди органлар қаёққа қарамоқда?

Вилоятда ғалла етиштириш режаси икки йилдан бери бажарилмаяпти.

Хўш, бунинг сабаби нимада?

Ўйлайманки, бунинг сабабини уруғ тайёрлашга етарли эътибор берилмаётгани, раҳбар ва мутахассисларда талабчанлик, ташкилотчилик қобилияти етишмаётганида кўриш мумкин. Акс ҳолда бир қатор туманларда ўтган йили ғалла экиш декабрь ойигача давом этганини қандай изоҳласа бўлади?

Хусусан, Иштихон, Пайариқ, Гўзалкент, Пастдарғом туманларида яхши текисланмаган, агротехника нуқтаи назаридан талаб даражасида бўлмаган ерларга ғалла экилган. Вилоят хўжаликларида баҳорги агротехник тадбирлар ҳам ўз вақтида ўтказилмаган.

Кўчатлар сийрак ундириб олинган, мелиоратив ҳолати ёмон майдонларда қўшимча ишлов бериш ташкил этилмаган. Бу йил Зарафшон ҳавзасида сувнинг танқис бўлишига қарамасдан, ундан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмади.

Бундай ҳолатларга дуч келганда, вилоятда шу ишларга бош-қош бўладиган одам йўқми, деҳқонга ёрдам берадиган соҳа олимлари, мутахассислар қаерда, деган хаёлга борасан.

Жорий йилда вилоят бўйича ғалла ҳосилдорлиги ўртача 23 ярим центнерни ташкил қилиб, 2000 йилга нисбатан 55 минг тонна кам дон тайёрланган. Ғалла етиштирувчи 16 тумандан 6 тасигина давлат буюртмасини бажарган, холос.

Ҳурматли дўстлар!

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги масаласига катта эътибор қаратилиб, бу соҳага янги технологияларни жорий этиш, мулк шаклларини ўзгартириш, хусусан, қишлоқда мулкдорлар синфини яратиш борасида олиб борилаётган ишлардан барчангиз хабардорсиз.

Лекин вилоятда бу борада ҳам оқсоқликка йўл қўйилмоқда. Кўпгина хўжаликлар номигагина ширкатларга айлантирилган, аксарият ширкат хўжалик аъзолари ширкатнинг ўзи нималиги, чек дафтарчаларини юритиш, мулкий пай нима экани ҳақида тушунчага ҳам эга эмас.

Йил якунлари бўйича мавжуд 267 та ширкат хўжалигидан бор-йўғи 56 тасида дивидендлар тўланган.

Бундай аҳволда деҳқонларимизда янги, замонавий иш услубларига нисбатан ишонч уйғотиш мумкинми? Бироқ вилоят раҳбарлари бу ҳақда мутлақо бош қотираётгани йўқ.

Боғ ва токзорларни ижарага бериш ҳам талаб даражасида ташкил этилмаган. Ҳозирги кунгача режалаштирилган боғларнинг 61 фоизи, токзорларнинг 64 фоизи ижарага берилган, холос.

Вилоятда деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга ҳам етарли эътибор берилмаяпти.

Республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг вилоят бўлими мутасаддилари эса фақат йиллик бадалларни тўплаш билан овора.

Маълумки, деҳқон ёки фермер ўз ишини бошлаши, ҳақиқий мулкдорга айланиши учун унга дастлабки пайтда маблағ керак, сармоя керак.

Бу масалани ечиш учун тадбиркорларга кредит бериш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳақида қайта-қайта таъкидлашга тўғри келмоқда, шу мақсадда махсус қарор ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Бироқ, Самарқанд вилоятида бу масалага масъулиятсизлик билан ёндашув оқибатида жорий йилнинг 6 ойи мобайнида деҳқон ва фермерларга 297 миллион сўм кредит ажратилган, холос. Бу кичик ва ўрта бизнесга ажратилган кредитларнинг атиги 4 фоизини ташкил этади.

Ўзингиз ўйланг, фермернинг маблағи бўлмаса, у қандай қилиб юқори ҳосил олиши, ривожланиши мумкин?

Афсус билан айтиш керакки, фермер хўжаликларига бундай "ўгай" кўз билан қараш ҳолатларига ҳанузгача барҳам берилмаяпти. Кўпчилик фермерлар айрим "шоввозлар"нинг айби билан етказиб берган маҳсулотлари учун қонуний ҳақларини йиллар давомида ундириб ололмасдан сарсон бўлмоқда.

Масалан, текширувлар натижасида Каттақўрғон пахта тозалаш заводи 6 миллион 600 минг сўм, Булунғур вино заводи 98 миллион сўмлик ана шундай қарзларини фермерларга 2000 йилнинг охиригача тўлаши лозим бўлса-да, бугунги кунгача тўламай келаётгани аниқланди.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги бўйича тузилган шартномалар ўрганиб чиқилиб, уларнинг аксарияти амал қилиш учун эмас, балки ҳисобот учун номига тузилган, деган хулосага келиш мумкин.

Жумладан, пахта етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларини бажарган пудратчиларга 2001 йилнинг 1 августигача берилиши керак бўлган пахта ёғи ва кунжаранинг ҳозирги кунда атиги 50 фоизи берилган, холос.

Ҳурматли депутатлар!

Илгари айтган бир фикримни бугун яна такрорлашни жоиз деб биламан: кичик ва ўрта бизнес ҳар қандай ривожланган давлат иқтисодиётининг асосий таянчи ҳисобланади.

Бу соҳа капитал маблағ сарфини кам талаб қилиши, ихчамлиги, маҳсулот турларини тез ўзгартира олиш, ишлаб чиқариш қувватларини жадал модернизация қилиш жиҳатидан катта имкониятларга эга. Энг муҳими, кичик ва ўрта бизнес ҳозирги кунда ҳаёт бизнинг олдимизга қўяётган долзарб ижтимоий муаммоларни ечишда асосий омил бўлиши шубҳасиз.

Шу маънода, Самарқандда кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл очиб бериш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш имкониятлари мавжуд, лекин ҳанузгача улардан етарли фойдаланилмаяпти. 2001 йил 1 июль ҳолатига кўра, вилоятда 22 мингта ўрта ва кичик корхоналар, микрофирмалар рўйхатга олинган. Аммо улардан фақатгина 8 фоизи ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар учта кичик ва ўрта бизнес корхонасидан биттаси Самарқанд шаҳрида жойлашган бўлиб, қишлоқ туманларида бу соҳани ривожлантиришга эътибор сустлигича қолмоқда.

Вилоятда етиштирилаётган мева, сабзавот, узум, жун маҳсулотларининг бор-йўғи 8-17 фоизигина қайта ишланаётгани ҳам тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп эканини кўрсатиб турибди.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Вилоятдаги "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси корхоналарида тайёрланаётган вино маҳсулоти катта ҳажмли идишларда экспорт қилинмоқда.

Оқибатда, хорижлик ишбилармонлар биздан олинган маҳсулотни чиройли шишаларга қуйиб, харидоргир ҳолатга келтириб, бир неча баробар қиммат нархда сотиб, катта фойда олмоқда. Наҳотки Самарқандда жойлашган, 100 йилдан ортиқ тарихга эга бўлган Ховренко номли вино заводида ва шунга ўхшаган корхоналарда мана шу оддий масалани ҳал этишнинг иложи бўлмаса?

2001 йил мобайнида вилоят бўйича кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун салкам 7 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 32 фоиз кўп кредит ажратилди. Лекин уларнинг атиги бир фоизи узоқ муддатли кредитларни ташкил этади. Бундай шароитда ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин?

Вилоятда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш натижасида жорий йилнинг 6 ойида 5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, бу жами янги иш ўринларининг 28 фоизини ташкил этади.

Вилоятда сўнгги йилларда иш билан банд бўлмаган одамлар сони ўсиб бораётганини инобатга олсак, бу масаланинг нақадар муҳимлигини тасаввур қилиш мумкин. Ҳозирги вақтда улар 65 минг кишини ёки меҳнатга яроқли аҳолининг 7 фоизини ташкил этади.

Одамларни иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш муаммосини ечишда тадбиркорликни, биринчи галда, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш нақадар муҳимлиги ҳақида яна қанча гапириш мумкин?

Маълумки, Самарқанд вилояти мамлакатимиздаги аҳолиси энг кўп ҳудудлардан биридир. Вилоят аҳолисининг сони жорий йилнинг биринчи ярмида ўтган йилга нисбатан 40 минг кишига кўпайган.

Бу вилоят аҳолиси йилига қарийб 80 минг кишига кўпаймоқда, деганидир. Бинобарин, улар учун янги боғчалар, мактаблар, тиббиёт муассасалари билан бир қаторда ижтимоий, маиший, маданий шарт-шароит ҳам яратиб бериш керак.

Шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, вилоятда бу соҳадаги вазият барчамизни ташвишлантиради. Бу ерда мавжуд мактабларнинг 60 фоизи мослаштирилган биноларда жойлашган, уларнинг 68 фоизида спорт заллари йўқ. Қўшработ, Гўзалкент туманларидаги мактабларнинг 10 фоизигина газлаштирилган, холос.

Вилоятда соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам камчиликлар талайгина. Буни узоққа бормасдан мана шу биргина мисол орқали ҳам билса бўлади.

Яқинда Президент девони вакиллари шу масала бўйича Каттақўрғон туманидаги вазият билан танишганда тумандаги юқумли касалликлар шифохонаси мослаштирилган, таъмирталаб бинода жойлашгани маълум бўлди. Касалхонада иситиш тизими умуман ишламайди, иссиқ сувнинг йўқлиги, дори-дармонларнинг танқислиги, беморлар учун тайёрланаётган овқатларнинг сифати пастлиги каби ноxуш ҳолатлар аниқланди.

Ўзингиз айтинг, агарки юқумли касалликлар шифохонасида аҳвол шундай ачинарли бўлса, бошқа оддий шифохоналардаги аҳвол ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади. Ҳар бир шаҳар ёки туманда амалга оширилаётган ишларни албатта Президент девони ходимлари назорат қилиб юришлари шартми? Ахир, бу масалалар вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг асосий вазифаси эмасми?

Вилоятнинг молиявий аҳволи ҳақида гапирадиган бўлсак, шуни очиқ айтиш керакки, бу борада ҳам ишлар яхши эмас. Вилоят ҳамон молиявий дотация ҳисобидан яшамоқда. 2001 йил бюджетида дотация улуши ўтган йилга нисбатан 7 фоизга ортиб, ҳозирги вақтда 30 фоизга етди.

Республикадан бериладиган дотация миқдорини камайтириш, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш борасида вилоятда аниқ тадбирлар ишлаб чиқилмагани натижасида кейинги йилларда Нуробод, Ургут, Қўшработ, Каттақўрғон ва Пайариқ туманлари бюджетларида дотация миқдори 52-85 фоизни ташкил этмоқда. Албатта, бундай молиявий аҳвол бизни мутлақо қониқтирмайди.

Аҳолини кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлашдаги узилишлар ҳам одамларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Дўконларда гугурт, туз, ўсимлик ёғи, совун, макарон каби оддий маҳсулотларнинг бўлмаслигини фақат сунъий тақчиллик яратиш ва кимдир ўз чўнтагини тўлдириш мақсадида қилган иш, тўғрироғи, жиноят деб баҳолаш керак.

Бу каби ноxуш ҳолатларни таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкинки, вилоят раҳбарлари умуман дўконларга, бозорларга кирмай қўйганга ўхшайди. Йўқса, аҳвол шу даражага бориб етармиди?

Шуниси ачинарлики, вилоятдаги айрим нопок кимсалар халқимизнинг ризқини қийиб, товар-моддий бойликларни қонунсиз равишда четга чиқаришга уринмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 8 ойи давомида нефть ва аҳолининг кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини мамлакатимиздан ташқарига ноқонуний йўллар билан олиб чиқиб кетишга 830 та уриниш ҳолати аниқланган ва 15 миллион сўмлик маҳсулот ушлаб қолинган.

Очиғини айтишимиз керак: вилоят марказида бирмунча ободонлаштириш ишлари амалга оширилган бўлса-да, айрим туманларда бу масала эътибордан четда қолиб кетмоқда. Айниқса, Нуробод, Қўшработ, Гўзалкент, Пастдарғом туманларида қурилиш, ободонлаштириш ишлари қониқарсиз аҳволда.

Азиз юртдошлар!

Ҳар қайси шаҳар-қишлоқ, ҳудуддаги ижтимоий муҳитга, бошқа омиллар қаторида, жиноятчиликнинг даражасига қараб ҳам баҳо бериш мумкин.

Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоятда жорий йилнинг 6 ойи мобайнида содир этилган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8 фоизга ошгани, жумладан, қасддан одам ўлдириш, гиёҳвандлик, уюшган жиноятчилик билан боғлиқ жиноятлар кўпайиб бораётгани ғоят ташвишлидир.

Кадрлар билан ишлаш, уларни танлаш масалаларига келганда, таассуфки, Самарқандда бошқа баъзи вилоятларга нисбатан кадрлар салоҳияти анча юқори бўлишига қарамасдан, бу имкониятдан ҳам оқилона фойдаланилмаяпти.

Вилоятда раҳбар кадрларни тез-тез алмаштириш ҳолатларига барҳам берилмаяпти. Муносиб кадр танланмаслиги натижасида айрим лавозимлар бир неча ойлаб бўш қолмоқда. Вилоят раҳбарияти томонидан масъул лавозимларга кадрларни атрофлича ўрганмасдан тавсия қилиш ҳоллари учрамоқда.

Шунинг учун ҳам 1999-2000 йиллар давомида қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарларидан 60 фоизи янгитдан тайинланган, шу жумладан, Иштихон, Нуробод туманларида 90 фоиз, Пайариқ туманида 71 фоиз кадрлар алмаштирилганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Вилоятда замонавий билимларга эга, изланувчан, ташаббускор ёш кадрларга етарли эътибор берилмаётганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Айниқса, қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари орасида ёшлар деярли йўқ. Кадрлар сиёсатига вилоят раҳбарияти томонидан бўлган бундай муносабат носоғлом вазиятнинг асосий сабабларидан бири, деб ҳисоблайман.

Ҳурматли депутатлар!

Юқорида айтилган фикрлар, келтирилган мисоллардан қандай хулоса чиқариш мумкин? Авваламбор, шуни таъкидлаш зарурки, агар иқтисодиёт тез суръатлар билан ўсмаса, кичик ва ўрта бизнес ривожланмаса, одамларнинг оғирини енгил қилиш у ёқда турсин, ҳатто уларнинг кундалик эҳтиёжларини таъминлаш ҳам катта бир муаммога айланиб қолади.

Оддий бир ҳақиқатни барчамиз англаб олишимиз даркор: агар одамларнинг моддий ҳаётини яхшилайдиган, кайфиятини кўтарадиган, уларни ҳаётдан рози қиладиган иқтисодиёт барқарор ривожланмас экан, қолган барча юксак даъватлар ва чақириқлар қуруқ ва баландпарвоз гап бўлиб қолаверади.

Яна бир ҳақиқат шундан иборатки, ҳаётни тебратиш, иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш — бу давлат, вилоят, шаҳар, туман, қолаверса, оддий хўжалик бўладими — аввало, шу ҳудудлар ҳамда хўжаликларни бошқарадиган раҳбар ва мутахассисларнинг ақл-заковати, билими ва тажрибаси, шижоат ва қатъиятига боғлиқ эканини бугунги кунда исботлаб беришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Бугун ҳаёт ўзгаряпти, ҳаётимизни бошқарадиган қонунлар ўзгаряпти, лекин, минг афсуски, мутасадди раҳбарлар, мутахассислар, бир сўз билан айтганда, кадрларнинг онгу тафаккури жуда секинлик билан ўзгармоқда.

Ишни амалга ошириш, кадрларнинг масъулиятини кучайтириш, уларга талабчанлик билан қараш, кези келганда руҳлантириш, янги-янги марраларга, ҳаётий муаммоларни ечиш учун сафарбар этиш, энг аввало, биринчи раҳбарнинг вазифаси, бурчи эканини унутмаслигимиз керак.

Биринчи раҳбар одамлардаги ташаббускорлик, фидоийлик туйғусини уйғотиши, уларнинг турмуши, кайфиятини яхши билиши, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаши зарур.

Акс ҳолда, одамлар қалбида ёниб турган умид рўёбга чиқмасдан сўниб қолади.

Айни вақтда раҳбар номаъқул ишни кўрганда бировнинг ёқасидан олмаса, эл-юрт манфаатини ўйлаб, эй инсон, нима қиляпсан, демаса, камчилик-нуқсонларга қарши жамоатчиликни кўтармаса, у ҳеч қачон яхши раҳбар бўла олмайди.

Агар раҳбарнинг ўзи тиним билмай ишламаса, янги имкониятларни топиб, одамларни олижаноб ишларга бошлаш учун куйиб-ёнмаса, унинг атрофидагилар — муовинлар дейсизми, бошқа мутасаддилар дейсизми — беғамликка, лоқайдликка берилиб, шундай иш услубига, шундай ҳаёт оқимига ўрганиб-кўникиб қолади.

Лўнда қилиб айтганда, раҳбар ўзига ишонч билдирган одамларнинг юрак уришини доимо сезиб туриши, унинг секин ёки безовта уришига қараб, вазиятга тўғри баҳо бериши, шу асосда тўғри қарор қабул қила олиши даркор.

Афсуски, Самарқанд вилоятидаги ишларнинг бугунги аҳволига қараб, вилоят раҳбарларининг фаолияти ҳақида бундай фикр билдиролмаймиз.

Бугунги сессия кун тартибидаги масалага қайтсак, бундан уч йил олдин биз Эркин Рўзиевга катта ишонч билдириб, уни Тошкент вилоятидан Самарқанд вилоятига ўтказиб, биринчи раҳбар қилиб қўйган эдик.

Очиғини айтганда, дастлаб иш бошлаган пайтида унда вилоят олдида турган муаммоларни ечиш, ислоҳотларни жорий этиш бўйича қандайдир ижобий ҳаракат ва интилишлар кўринган эди. Аммо, афсуски, Рўзиев бу интилишларни рўёбга чиқара олмади. Бунинг асосий сабаби шундаки, унда талабчанлик, қатъиққўллик, принципиаллик етишмади. Ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам аямасдан ишлаш, ишлатиш кайфияти умуман намоён бўлмади.

Ҳолбуки, Самарқанд беқиёс бойликларга эга бўлган, Оллоҳнинг назари тушган табаррук юрт. Самарқанд аҳли доимо эзгуликка, бунёдкорликка интилиб яшайдиган заҳматкаш халқ. Бу вилоят ишлаб чиқариш қувватлари, ақлий ва меҳнат ресурслари, табиий имкониятларига кўра Ўзбекистоннинг олдинги сафида юриш салоҳиятига эга.

Ҳамма гап шундаки, мана шу вилоятда, мана шу заминда яшайдиган, ишнинг кўзини биладиган, тажрибали, ташаббускор одамларни, айниқса, ўз қобилиятини, ғайрат-шижоати ва истеъдодини Ватан хизматига сафарбар қилишга тайёр бўлган ёшларни бирлаштириш, уларга йўл очиб бериш даркор.

Хулоса шуки, вилоят раҳбарлигини Самарқанд воҳаси ривожи ва тараққиётига янги туртки беришга, эл учун, юрт учун ёниб яшаш керак, деган шиоримизни тилда эмас, амалда ҳаётга жорий қилишга қурби, қудрати етадиган одамларга топширишимиз керак.

Эл-юртга бош-қош бўлиб, сизларнинг сафингизга кириб, мавжуд ғов-тўсиқларни биргаликда енгиб ўтишга кучи етадиган, кечаю кундуз тиним билмай ишлайдиган, талабчан, қатъиятли бир раҳбарни бугун вилоят ҳокими этиб сайлашимиз керак.

Ҳурматли депутатлар!

Сизларнинг эътиборингизга, сизларнинг ҳукмингизга бугунги мажлисимизнинг кун тартибига қўйилган асосий масала бўйича ўз таклифимни киритмоқчиман.

Самарқанд вилояти ҳокими лавозимида ишлаб келган Эркин Рўзиев ариза билан мурожаат қилиб, эгаллаб турган вазифасидан озод қилишни сўраган. Унинг аризасини, яъни ўз вазифасидан озод қилиш ҳақидаги илтимосини овозга қўймоқчиман.

Биз вилоят фаоллари билан маслаҳатлашиб, сизларнинг барчангиз яхши биладиган, мана шу юртнинг шарт-шароити, одамларининг кайфиятидан яқиндан хабардор бўлган, Жиззах вилояти ҳокими лавозимида ишлаб келаётган Шавкат Мирзиёевнинг номзодини Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тавсия этишга қарор қилдик.

Сизлар, бутун вилоят халқи мана шу янги раҳбар атрофида бирлашиб, белни маҳкам боғлаб, мавжуд муаммоларни тез орада бартараф этиб, Самарқанднинг обрў-эътиборини янада оширасизлар, деб ишонаман. Бунинг учун сизларда ҳамма нарса — қатъият ҳам, билим ва тажриба ҳам, ташаббус ва интилиш ҳам етарли, деб ўйлайман.

Ана шу эзгу мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, ғайрат-шижоат ва омад тилайман.

---

**Фармон ва ижро**

# ЮКСАК ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

***Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Амнистия тўғрисидаги Фармони эълон қилинган эди. Мазкур Фармон мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Шу кунларда мамлакатимиздаги жазони ижро этиш муассасаларидан Фармонга мувофиқ озод этилиши лозим бўлган маҳкумларни озодликка чиқариш жараёни бошланди. 9 сентябрь куни Навоий вилоятидаги жазони ижро этиш муассасасидан 18 нафар киши озодликка чиқарилди. Бу жараён давом этмоқда.***

***Озодликка чиққанларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.***

— Беш йилга озодликдан маҳрум этилган эдим, — дея сўз бошлади С.Маматқулов.— Икки йил шу ерда бўлдим. Ёшим бир жойга бориб қолганда қилган нотўғри ишимдан қаттиқ афсусдаман. Айниқса, шундай пайтларда кўрган яхшилигинг бошқача таъсир этар экан. Давлатимиз раҳбарининг менга ўхшаганларга қилган бундай инсонпарварлиги жуда катта ибрат.

— Асли касбим ҳайдовчилик, — дейди Н.Алиев. — Нафс домига тушиб, уч ярим йилга озодликдан маҳрум этилгандим. Мана, тўққиз ойдан сўнг амнистия ҳақидаги Фармон туфайли оилам бағрига қайтяпман. Давлатимиз мени кечирди. Тўғриси, қани энди ота-онанг, маҳалла-кўй олдида ўзингни оқла, дея катта имкон берди. Энди бошқача яшайман. Қилган айбларимни ҳалол меҳнатим билан ювмоқчиман.

Қ.Ўрозов кўзида ёш билан гапирди:

— Ўғлим Мақсуджонни кўргани келган эдим. Буни қаранг, озодликка чиқадиган куни келибман. Боламнинг қилмишидан юзим шувит эди. Юртбошимиз ўғлимга мен қилолмаган оталикни қилди. Мен боламни асрай олмадим, Президентимиз эса уни кечирди.

— Бир йилу уч ойдан бери шу ердаман, — дейди Ш.Жўраев. — Ёмон йўлга кириб, беш йилга қамалдим. 19 ёшдаман. Тинч ва ҳалол турмуш нима эканини англаб етдим. Энди ота-онамнинг айтганидан чиқмайман. Ўқишга кирмоқчиман. Халққа, оиламга нафи тегадиган одам бўлмасам, ҳаммаси бекор эканлигини тушундим.

**Ёрқул УМАР, (ЎзА).**

---

# «Адолат — қонун устуворлигида»

Тошкент давлат юридик институтида республика "Маънавият ва маърифат" кенгаши Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази билан ҳамкорликда ўтказилган анжуман ана шу мавзуга бағишланди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис олтинчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар таҳлилига бағишланган мазкур тадбирни институт ректори М.Рустамбоев очди.

Анжуманда таъкидланганидек, Юртбошимизнинг сессиядаги маърузасида жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан бир қаторда ушбу соҳада мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган олий ўқув юртларининг фаолиятидаги ютуқ ва муаммолар ҳам атрофлича таҳлил этилди. Жаҳон талаблари даражасида дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш, дарс жараёнига замонавий педагогик технологияларни кенг жорий этиш, малакали ҳуқуқшуносларни тайёрлаш институт жамоаси фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб қолиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари жараёнидаги ютуқ ва муаммолар, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий ва маънавий тарбияни уйғун ҳолда олиб бориш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

**Баҳор ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.**

# Кортлардаги ҳаяжон






Олдин хабар қилганимиздек, пойтахтимиздаги "Юнусобод" теннис мажмуида "Президент кубоги" учун саккизинчи бор ўтказилаётган анъанавий халқаро турнир баҳслари тобора шиддатли тус олмоқда. Мусобақанинг дастлабки кунидаёқ кутилмаган натижанинг қайд этилиши турнирга бўлган қизиқишни янада оширди. "Президент кубоги"нинг 1999 йилги соҳиби, Германиянинг биринчи ракеткаси Николас Кифер бу йил ҳам ғолибликка асосий даъвогарлардан саналаётганди. Бироқ унинг биринчи учрашувдаёқ Даниэл Вацек (Чехия)дан мағлубият аламини тотгани яхшигина шов-шувга сабаб бўлди. Боиси шундаки, улар айни пайтгача беш марта ўзаро кортга тушишган. Ва барчасида Киферининг қўли баланд келган. Олтинчи беллашув эса кучлар тенглашганидан дарак берди — 7:5, 6:4.

Мазкур баҳсларда мамлакатимиз шарафини Олег Огородов, Вадим Куценко ва Дмитрий Томашевичлар ҳимоя қилаётганидан хабарингиз бор. Ана шу вакилларимиздан Дмитрий кеча словакиялик машҳур спортчи Доминик Хрбати билан кортга чиқди.

Жаҳоннинг энг кучли теннисчилари рўйхатида 33 поғонани банд қилиб турган Доминик 1978 йилда Братиславада туғилган. 1996 йилдан бери профессионал теннис билан шуғулланиб, 2 миллион 672 минг 170 АҚШ доллари миқдорида пул ишлаган. Бўйи 183 сантиметр, оғирлиги 75 килограмм тош босади.

Таъкидлаш жоизки, Д.Томошевич Хрбатига муносиб қаршилик кўрсатди. Ҳатто биринчи сетда ғалаба қозонишига бир баҳя қолди — 7:6(5). Иккинчи сетда эса барибир тажриба ва халқаро майдонда тўпланган маҳорат ўз сўзини айтди. Доминик ҳамюртимизга ҳеч қандай имконият қолдирмади — 6:4.

Шунингдек, куни кеча бўлиб ўтган қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Т.Дент (АҚШ)-Ж.Семеринк (Нидерландия) — 7:6(8), 7:6(8), А.Столяров (Россия)-Р.Шютлер (Германия) — 2:6, 3:6, М.Краточвил (Швейцария) — Ж.Кройслак (Словакия) — 2:6, 3:6 ва К.Плесс (Дания) — Т.Кетола (Финляндия) — 3:6, 6:3, 6:1.

**Озод БЕК,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

# ЮБИЛЕЙ ТАНГАЛАРИ САВДОСИ

Республика кўчмас мулк биржасида Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб зарб этилган қиймати юз сўмга тенг юбилей тангаларининг кимошди савдоси ўтказилди.

12 хил кўринишда чекланган миқдорда чиқарилган мазкур тангалар пробаси 999,9 бўлган соф кумушдан тайёрланган. Ҳар бир танганинг оғирлиги 31,1 грамм, диаметри эса 38 миллиметрдир.

Юбилей тангаларига муайян тасвир туширилган. Шу боис улар тасвирлар мавзусига мос равишда алоҳида ном билан аталади.

Ўзбекистон Марказий банки билан ҳамкорликда ташкил этилган кимошди савдосида ҳамюртларимиз, корхона ва ташкилотлар, банклар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ҳамда чет эллик меҳмонлар қатнашди. Нумизматик қийматга эга бундай тангалар кимошди савдоси мамлакатимизда иккинчи бор ўтказилди. Илк кимошди савдоси 1997 йилда ташкил этилиб, унда олтин тангалар катта қизиқиш билан харид этилган эди.

Юбилей тангаларининг бу галги кимошди савдоси ҳам харидорларда катта қизиқиш уйғотди. Республика кўчмас мулк биржасидан маълум қилишларича, бу қизиқишнинг сабаби тангалар Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб зарб этилгани, нумизматик қиймати юқорилиги ва чекланган миқдорда чиқарилгани билан изоҳланади.

Кимошди савдосига қўйилган ҳар бир танганинг бошланғич нархи 20 АҚШ доллари миқдорида белгиланган эди. 12 хилдаги танганинг икки тўпламини ўзида жамлаган иккинчи лот — 24 та юбилей кумуш тангалари энг юқори нарх — 1000 АҚШ долларига сотилди. Савдога қўйилган тангалар бошланғич баҳосига нисбатан сотилиш нархининг ўртача ўсиш кўрсаткичи 1,51 баробарни ташкил қилди. Кимошди савдосининг барча лотлари харидорларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, биттадан танга қўйилган лотлар савдоси пайтида "Мустақиллик", "Оқсарой", "Алишер Навоий", "Амир Темур","Амир Темур музейи" тангалари кимошди савдоси иштирокчилари ўртасидаги рақобатни жонлантиргани диққатта сазовордир.

**Элбек ХОЛИҚОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## *Ислоҳот йўлидаги ғовлар*

# ТЕРГОВДАГИ НОХОЛИСЛИК

### айбсизларни «айблаб», жавобгарликка тортишга ундагани хусусида

Оддий ҳақиқат бор. Қонун устуворлик қилган жамиятда юксалиш бўлади. Халқ тўқ, фаровон, тинч яшайди. Бировбировни ўринсиз безовта қилмайди. Ҳамма ўзининг ҳуқуқ ва бурчини адо этиш билан банд бўлади.

Эндигина мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлаган мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш борасида талай ишлар амалга оширилди. Аммо натижага келганда, қониқарли эмас. Камчиликлар кўп. Баъзан фуқароларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқларини топташ ҳоллари учраб турибди. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маърузасида бу ҳол кескин қораланди. Терговни зўравонлик билан олиб боришдек эски усулдан воз кечиш масаласи кўндаланг қўйилди.

Бугунда ҳақиқатнинг кўзига тик қараб айтиладиган бўлса, эскирган бу ҳолатдан жабр кўрганлар учрайди. Ана шундай ҳолатлардан бири Қашқадарё вилоятида содир этилади. Орадан ўтган кўп вақтдан кейин айбланган икки фуқаро ўзининг ҳақлигини исботлай билди. Суднинг оқлов ҳукми уларнинг юзини ёруғ қилди...

Терговчининг саъй-ҳаракати Халил Ўтагановни ҳам, Исмоил Мустафоқуловниям анча шоширди. Чунки уларга очиқдан-очиқ — қилмаган айбларини бўйнига олиш «вазифа»си қўйилаётганди. «Айбдор»лар бор ҳақиқатни айтишгани билан терговчи ўзиникини маъқуллайверди...

1996 йилнинг 4 декабри. Қашқадарё вилояти ИИБ давлат автомобиль назорати бўлими рўйхатлаш, имтиҳонлаш бўлинмаси бошлиғи Халил Ўтаганов ишлаб ўтирарди. Хонасига вилоят прокуратурасининг ички ишлар идораларида тергов ва суриштирувни назорат қилиш бўлими прокурори Шоназар Тўраев киради. Сотиб олган машинасини рўйхатга қўйишларини сўрайди. Х. Ўтаганов давлат назоратчиси бўлиб ишловчи Исмоил Мустафоқуловни чақириб, унга ишни белгиланган тартибда ҳал этишни топширади. И. Мустафоқулов солиштириб кўрсаки, ҳамма ҳужжатлар жойида. Эски техпаспорт бўйича суриштирганда, Ш. Тўраев эски кузов ва двигателни яроқсиз бўлиб қолганлиги сабабли ташлаб юборганини айтади. Ҳужжатлар тўғрилигига шахсан ўзи жавобгарлигини қайта-қайта такрорлайди.

Шу тариқа машина техник кўрикдан ўтказилади. Мол эгаси қанча қистовга олгани билан машина ўғирланмаганлигини тасдиқловчи маълумотдан кейин доимий техник паспорт берилиб, рўйхатга олинади.

Бундай олиб қараганда, ҳаммаси рисоладагидек — сип-силлиқ. Аммо унинг машмашаси ҳам бор. Яъни...

1996 йилнинг 18 майи, соат ўнлар чамаси. Самарқанд шаҳридаги Кайраун кўчасида жойлашган «Гўзаллик» савдо дўкони ёнидан давлат белгиси И 54-02 СН бўлган «Жигули» ўғирланади. Машина фуқаро Варвара Агаповага тегишли бўлиб, уни куёви бошқариб келганди. Бу ҳақда тегишли идораларга хабар қилинади, аммо натижа бўлмайди. Охири оддий фуқаро Василий Федоров машинанинг дарагини топади. Прокуратурага хат ёзиб, маълум қилади. Ўрганиб кўрилсаки, ўша «Жигули»ни прокуратура ходими Ш. Тўраев миниб юрган экан!

Савол туғилади: ўғирланган «Жигули» унга қандай тушиб қолди?

Тўраев саломатлиги яхши бўлмагани учун ишга бориб-келишда қийналар эди. Бир куни бу ҳақда мактабдош дўстига ёрилди. Арзонроқ бўлса, машина олмоқчилигини айтди. Ўша дўстининг Қаҳрамон исмли «ҳожатбарор» ўғли Агапованинг 1989 йили ишлаб чиқарилган «Жигули»сини ўғирлаб, Қаршига келтиради ва отасининг қадрдонига 220000 сўмга савдолашиб, 150000 га сотади. Бу «одамгарчиликдан» ҳар икки томон ҳам хурсанд: олган ҳам, берган ҳам. Таъкидлаш лозимки, машина ўғирланганидан Тўраевнинг хабари бор-йўқлиги ҳозирча номаълум. Лекин ДАН ходимларини чалғитиш учун атайлаб кузов ва двигатель сотиб олинганининг бошида ўзи тургани рост. Бу гувоҳларнинг судда берган кўргазмасида ўз исботини топган.

Хуллас, машинанинг ишкали чиқиб қолди. Бунинг чорасини топиш керак эди. Шундай бўлди ҳам. Қаттиқ бош қотириш натижаси ўлароқ, ҳамма мағзава ДАН ходимлари Халил Ўтаганов, Исмоил Мустафоқуловлар устидан қуйиладиган бўлди. Гўё улар била туриб Ш. Тўраевга қасддан сохта техпаспорт ёзиб беришганмиш. Вилоят прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи А. Содиқов Ўтаганов, Мустафоқуловларни ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми «в» банди, 241-моддаси 2-қисми, 209-моддаси 1-қисми билан айблаб, ишни судга оширади. Терговчининг очиқдан-очиқ ўз ҳамкасбини ҳимоя қилиши эвазига икки айбсиз киши туҳматга учраётганига Усмон Юсупов тумани суди муроса қилмайди. 2000 йил 27 декабрда З. Худойқулов раислигида ўтган суд мажлисида масала атрофлича ўрганилади. Халил Ўтаганов ҳам, Исмоил Мустафоқулов ҳам хизмат бурчларини ўташда белгилаб қўйилган қўлланмага мос тартибда ҳаракат қилганликлари учун айбсиз топилиб, оқланади. Уларни лавозимидан четлаштириш ҳақидаги қарор бекор қилинади.

Шу йилнинг 11 майида Навоий шаҳар жиноий ишлар бўйича судида «дело» қайта кўриб чиқилиб, «айбдорлар» айбсизлиги учун яна оқландилар. Ушбу қонуний битимга томонлар рози бўлишар, деган умид бор эди. Лекин...

Навоий шаҳар прокурори ушбу жиноий иш юзасидан норози бўлиб, апелляция тартибида протест келтиради. 2001 йил 19 июнда Навоий вилояти жиноий ишлар бўйича судининг апелляция-судлов ҳайъати очиқ суд мажлиси ўз ажримида апелляция протестини қаноатлантирмайди, оқлаш ҳукми ўз кучида қолади.

Аслида бор гап шу. Лекин бу билан ҳақ қарор топди, дейишга эрта. Сабаби, ўтган даврда Ўтаганов, Мустафоқулов озмунча жабр тортмаган. Сўровлар, судма-суд юришлар, асаб бузилишлар уларни руҳан чарчатди. Туҳматдан одил суд туфайлигина қутулиб қолган бу инсонларнинг ноўрин сарсон бўлганига, тазйиққа учраганига кимдир жавоб бериши керакми, йўқми?

Икки оғиз сўз терговчининг иш фаолияти ҳақида. Юқорида таъкидланганидек, юртимизда қонун устуворлигига эришиш йўлида кўп ишлар қилинаяпти. Айниқса, фуқароларнинг ноҳақ айбланишларига мутлақо барҳам бериш лозимлиги қонунларимизда эътироф этилаяпти, катта минбарлардан қайта-қайта айтилаяпти. Чунки инсоннинг қонун билан ҳимояланадиган ҳуқуқлари улуғдир. Бироқ терговчи А. Содиқов ушбу ақидани билгани ҳолда унга зид ҳаракатлар қилганига лол қолади киши. У ДАН инспекциясининг икки нафар ходимини айблашга шунчалик зўр бериб, қонун устуворлигини унутади. Яъни 2000 йил 10 августдаги ўз қарорида у иш юзасидан машинасини бошқа бировга ўғирлатган Агаповани жабрланувчи деб топади ва ҳеч иккиланмасдан унинг номидан имзо чекиб юборади. Судга чақирилган Агапова эса бу холни қатъий рад этади. Чунки у бундан бехабар экан.

Сўзимиз бошида ўғирланган машинанинг дарагини фуқаро Василий Федоров келтирди, деган эдик. Бу қайсидир маънода газетхонни ҳайрон қолдириши мумкин. Жаноб Федоров Қарши шаҳридаги Ю. Ражабий кўчасида яшайди. Муқаддам жиноят содир этганлиги учун жазога тортилган. Муддати тугаб қайтиб келса, уйини биров — Ш. Тўраев эгаллаб олибди. Қисқаси, кўчада қолиб кетади. Охири ўз уйига 1998 йил 18 июнда Қарши шаҳар судининг ҳал қилув қароридан сўнг киради. Жабрдийда амаки Тўраевга хос нағмаларни ўрганиб чиқади ва у миниб юрган «Жигули»га ҳам шубҳа билан қарайди. Охир-оқибатда ўғирланганлигини билиб қолади...

Эътибор қилдингиз-а, аслида кимнинг қандайлиги ўзганинг уйига кириб олиш мисолидаёқ кўриниб турибди. Шу туфайли терговда даққиюнусдан қолган мажбурлаш усулидан фойдаланилган. Қандай бўлмасин, Ўтаганов, Мустафоқуловни жавобгарликка тортишга зўр берилган. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «Энг хавфлиси шундаки, одамлар тақдирига беларволик, номақбул иш усуллари оқибатида биз оддий, умуман олганда, қонунга итоат этувчи, лекин қонундан бироз чекинган фуқароларни нотўғри жазолаб, улардан ҳокимиятга ҳам, қонунга ҳам ишонмайдиган норози одамлар тоифасини ўз қўлимиз билан яратамиз».

Жуда ўринли, жуда топиб айтилган ушбу таъкиддан хулоса чиқаришимиз шарт. Ўшандагина эътирозларга ўрин қолмайди. Фуқароларнинг ҳуқуқ идораларига бўлган ишончи янада ортади.

**Қурбон ЭШМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МЕРИДИАН

## воқеалар, тафсилотлар, далиллар

## Эшитдингизми?

*• Кеча Индонезия президенти Мегавати Сукарнопутри мамлакат миллий полицияси раҳбари генерал Бимонторони истеъфога чиқаришини билдирди. Маълумки, генерал Бимонторо билан собиқ президент Абдураҳмон Воҳид ўртасидаги келишмовчиликлар узоқ вақт давом этганди. Ўшанда А.Воҳид генерални истеъфога чиқармоқчи бўлганида норозилик намойишлари бутун мамлакатда авж олган эди. Индонезиянинг юқори мартабали мулозимларининг айтишича, ҳозирги президентнинг айни қарори бундай норозиликларни туғдирмайди.*

*• АҚШ махсус хизмат вакилларининг таъкидлашича, Афғонистоннинг Шимолий алянс етакчиси Аҳмад Шоҳ Маъсуд оғир яралангандан сўнг ҳалок бўлган. Бироқ унинг акаси Аҳмад Вали Маъсуд кеча айни хабарни инкор қилди. Россия ахборот агентлиги маълумотларида таъкидланишича, Аҳмад Шоҳ Маъсуд кеча мамлакат Президенти Б.Раббоний билан телефон орқали гаплашган.*

*• Россия Президенти В.Путин Оқ уй раҳбари Ж.Буш билан шу йилнинг октябрь ойида Шанхайда бўлиб ўтадиган ўзаро учрашувлар олдидан телефон орқали мулоқотда бўлди.*



*• Россия Бош прокурори ўринбосари Василий Колмогоров шу йилнинг декабрь ойида Ёқутистонда ўтказиладиган президентлик сайловида ўз номзодини қўйишини эълон қилди.*

*• Япония Олимпия қўмитаси етакчиси Юширо Яги 73 ёшида вафот этди. Япон сиёсий доиралари ичида анча таниқли бўлган Ю.Яги айни лавозимда 8 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган эди.*



*• Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевичнинг тақдири ҳамон мавҳумлигича қолмоқда. Собиқ раҳбар ҳозирча оқловчилар хизматидан қатъий бош тортмоқда. Суд жараёнларининг қачон тугаши ҳам номаълумлигича қолаётир.*

# Асрдан асрга ўтаётган можаро

## Яқин Шарқ: бой берилган имкониятлар, шафқатсиз террорлар, зиддиятли манфаатлар





### Бизнинг шарҳ

Ҳозир жаҳондаги энг мураккаб ва ечимининг охири кўринмаётган минтақавий можаролар ҳақида гап кетгудек бўлса, биринчи навбатда Яқин Шарқ билан Афғонистон тилга олинади. Бу можаролар узоқ давом этаётганлиги учунгина эмас, балки ер юзидаги тинчликка ва хавфсизликка таҳдид солиб турганлиги учун ҳам ўта хавфлидир. Уларда ўхшашлик томонлари бўлса-да, аслида моҳиятан ва келиб чиқиш сабабларига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил этилибдики, Яқин Шарқ можароси жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборидан тушмай келаётир. БМТнинг Бош Ассамблеяси ҳамда Хавфсизлик Кенгаши ҳеч бир масалани Яқин Шарқдагидек кўп ва хўп кўриб чиқмаган. 1947 йилдан бери бир неча марта жиддий қарорлар қабул қилинди. Бироқ уларнинг ижроси таъминланмай қолаверди. Қирқинчи йиллар охиридаги ҳамда олтмишинчи-етмишинчи йиллардаги Араб-Исроил урушларида кўп нарса алғов-далғов бўлиб кетди. Яъни минтақадаги вазият шу даражада чигаллашиб кетдики, ҳатто БМТдек олий ҳакам ҳам ким ҳақ, ким ноҳақлигини аниқлаб, тинчлик ўрнатишнинг уддасидан чиқолмай қолди.

Аслида юзага келган вазият учун БМТга таъна қилиб бўлмайди. Бу ерда мураккабликнинг бошқа сабаблари бор. Шулардан бири Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг қарама-қарши томонларга муносабатларидаги ўхшашликдир. Яъни Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган давлатлар Исроил билан ҳам, Фаластин билан ҳам яхши муносабатлар ўрнатишган бўлиб, ҳал қилувчи қарорлар қабул қилишда гоҳ унинг, гоҳ бунинг раъйига қараб овоз берадилар. Борди-ю, бирортаси бу сафар Исроилни ёқлаб овоз берса, янаги сафар Фаластинни хафа қилиб қўймасликнинг иложини топади. Чунки ҳеч ким араб дунёси билан муносабатни бузишни истамайди. Кейинги муҳокамалар ҳам шу тарзда давом этаверади. Қарабсизки, масала яна ҳам мураккаблашиб, чигаллашиб бораверади. Бироқ учрашувлар ва музокаралар тўхтаб қолмайди. Мана, ўтган асрда ҳал бўлмаган Яқин Шарқ можароси йигирма биринчи асрга ҳам минтақада портлаш хавфи кучайган, зўравонлик, ўч олиш ва террор авж олган ҳолатда ўтди.

Бугун Яқин Шарқдаги вазият ҳамманинг диққат-эътиборида. Оммавий ахборот воситалари ҳар куни у ердан нохуш хабарлар тарқатмоқда. Телеэкранда берилаётган лавҳалар эса дилни хуфтон қилади. Зўравонлик, босқинчилик, отишма, портлаш ҳар куни бўлиб турибди. Натижада ҳар иккала томондан ҳам бегуноҳ одамлар — оддий халқ жабр чекяпти.

Тўғри, минтақада жанжал чиқиши учун сабаблар кўп. Бироқ ҳамма сабаблар, аввало, Қуддуснинг мақоми билан боғлиқ бош масалага бориб тақалади. Шарқий Қуддуснинг араблар яшайдиган қисмида фаластинликлар қурган уйлар қонунсиз деб ҳисобланиб, исроилликлар томонидан бузиб ташланаётганлиги, сўзсиз, арабларни қарши чоралар кўришдан тийиб туролмаяпти. Бу чоралар баъзан террористик ҳаракат тусини олмоқда. Ўз навбатида исроилликлар ҳам шундай усулларни қўллашмоқда. Жумладан, яқинда Фаластиннинг таниқли раҳбарларидан бири Абу Али Мустафо ўз қароргоҳида Исроилнинг ҳарбий ҳаво хужуми натижасида ўлдирилди. Фаластинлик жангарилар бунга жавобан ўч олиш учун қасам ичишди. Кейинги портлашлар ва қурбонлар ана шунинг ижроси. Шу тарзда зўравонлик зўравонликни, қотиллик қотилликни, террор террорни келтириб чиқармоқда.

Исроил босиб олинган Фаластин ерларида уй-жойлар қуришни давом эттирмоқда. Бунга жавобан террористик ҳаракатлар ҳам кучайиб боряпти. Кейинги олти ойда ана шундай уйларга кўчиб ўтган исроилликлар сони ўн минг кишига кўпайган. Вашингтон Исроилнинг бу қадамини маъқулламаяпти. Яъни уни халқаро ҳуқуқ қоидаларига зид, деб ҳисоблаяпти.

Вазиятнинг тобора кескинлашиб бораётганлигидан ташвишга тушган Фаластин раҳбарияти Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғи ва Ғазо секторига халқаро кузатувчиларни киритиш ташаббуси билан чиқди. Бироқ Исроил бунга рози бўлмади. Вашингтон Фаластиннинг аҳволини тушунган бўлса-да, ҳар томонлама ўрганиб чиққанидан кейин унинг таклифини маъқулламади. Натижада бу масалани Хавфсизлик Кенгашида овозга қўйишга ҳожат қолмади. Чунки АҚШ вето ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Бугун давлатлар, халқаро ташкилотлар, сиёсатчилар, журналистлар Яқин Шарқ можароси боши берк кўчага кириб қолганлигини тан олишяпти. Бироқ қандай куч уни очиқ кўчага олиб чиқиши мумкин? Умуман, бу можарони ҳал этишнинг қандай йўллари ва имкониятлари бор? Албатта, бу саволларга аниқ жавоблар топиш жуда мушкул. Бироқ турли давлатлар раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар ҳамда журналистлар фикрини ўрганиб, минтақадаги вазиятнинг ривожини кузатиб борсангиз, баъзи бир хулосалар чиқариш учун ишончли асосга эга бўласиз.

Фаластинликлар учун ҳам, исроилликлар учун ҳам мақбул бўлган аниқ «рецепт» ишлаб чиқишнинг иложи йўқ. Буни ҳамма тушуниб турибди. Бироқ томонларни бироз бўлсада ён босишга кўндириб, босқичма-босқич музокара ўтказишга даъватлар бўлиб турибди. Бундай ташаббуслар илгари ҳам кўп бўлган. Лекин ҳеч қандай самара бермаган. Томонлар музокара столига ўтирганларидан кейин ҳам ўз принципларида қатъий туришган, яъни мутлақо ён босишмаган. Бу фақат музокара олиб борган лидерларга боғлиқ эмас. Исроилнинг орқасида ҳам, Фаластиннинг орқасида ҳам бу ердаги вазиятнинг ҳозирги ҳолатидан манфаатдор кучлар бор. Шунингдек, бу минтақада нафақат сиёсий-иқтисодий стратегик манфаатлар, балки геополитик, этник, диний манфаатлар ҳам кесишган. Масаланинг мураккаблиги ҳам шунда.

Ҳозир нуфузли халқаро ташкилотлар, катта-кичик давлатлар ҳамда икки ўртада воситачилик қилаётган таниқли сиёсатчилар бундан кейин қандай йўл тутиш кераклиги ва масаланинг ечимини қаердан излаш зарурлиги ҳақида эмас, кўпроқ шу пайтгача бой берилган имкониятлар ҳақида гапиришяпти. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 1947 йил 29 ноябрдаги қарорига кўра Фаластин давлатини ташкил этиш имконияти бор эди. Бироқ турли сабабларга кўра бу имкониятдан вақтида фойдаланилмади. Шунингдек, Исроил ҳам бир неча марта ўз фуқароларининг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш имкониятларини бой берди. Жумладан, 1993 йилда Ослода бошланган музокара жараёнининг асосий негизида босиб олинган ҳудудларни фаластинликларга қайтариш эвазига минтақада тинчлик ўрнатиш ётарди. Ярим асрдан кўпроқ муддат мобайнида бундай имкониятлар мунтазам равишда бой бериб келинаётганлиги ҳар иккала томонга жуда қимматга тушмоқда. Яъни, террор ва зўравонлик тобора шафқатсиз тус олиб бормоқда.

Фаластин ва Исроил раҳбарлари бугунги кунда турли давлатлар қўллаб-қувватлашларига умид боғлаб, жаҳонни кезиб юришибди. Ер юзидаги барча тинчликсевар кучлар, шу жумладан, Ўзбекистон аҳолиси ҳам Яқин Шарқ олови бутунлай сўнишини, бу минтақадаги халқлар эса тинч ва осойишта, мутлақо хавфсиз яшашларини истайди.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

# «Оқтерак»ка газ келди

Хўжайли туманидаги Бердақ номли жамоа хўжалигининг «Аққора» қишлоғига сўнгги газ тармоғи тортилди.

— Ҳаммаси мустақиллигимиз шарофати, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари М. Жадианов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Ўтган йили «Қумжиққин» ва «Хатеп» ширкат хўжалигининг «Оқ терак» қишлоқларига янги газ тақсимлагичлар ўрнатдик. Шу йилнинг саккиз ойи ичида 19 километр ўрнига 21,45 километр узунликда газ тармоғи тортилди. Натижада туман қишлоқлари тўлиқ газлаштирилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

давлат солиқ хизмати ходимлари учун янги кийим-бош нусхасини ишлаб чиқиш бўйича аввал эълон қилинган танлов давом эттирилишини маълум қилади.

*Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча корхона ва ташкилотлар қатнашиши мумкин.*

*Танловда иштирок этишни хоҳловчилар маълумот олиш учун эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун давомида қуйидаги манзилга мурожаат қилсинлар:*

Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-уй, 228-хона.
Телефонлар: 144-89-42, 144-44-57, 144-44-52.

*Танлов ўтказиш шартлари ўзгартирилмаган.*

